

**Амонов Холмухаммад Нормуротович,**  
Ўзбекистон давлат консерваторияси Ички  
назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи,  
география фанлари номзоди

# БЎЛАЖАК ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ОРТТИРИШ

УДК: 338:915.0

## **АМОНОВ Х.Н. БЎЛАЖАК ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ОРТТИРИШ**

Мақола бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини орттиришнинг педагогик шарт-шароитлари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш муаммоси ва ечимига қаратилган. Ушбу зарурат бўлажак география ўқитувчиларининг педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлигига асос бўладиган ўқув курсларини ўқитишда инновацион муҳитнинг яратилишини методик нуқтаи назардан таҳлил этиш жараёнининг самарадорлигини орттиришнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Таянч сўз ва тушунчалар: бўлажак география ўқитувчилари, касбий фаолият, инновацион педагогик фаолиятга тайёргарлик, педагогик шарт-шароит, шакл, метод ва восита.

## **АМОНОВ Х.Н. ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ГЕОГРАФИИ К ИННОВАЦИОННОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

В статье рассматривается проблема и решение вопроса педагогических условий, содержания, формы, методов и средств повышения уровня подготовки будущих учителей географии к инновационной педагогической деятельности. Эта потребность требует разработки научно-методических основ повышения эффективности процесса методологического анализа создания инновационной среды при преподавании курсов, которая станет основой педагогической, психологической, научно-методической подготовки будущих учителей географии.

Ключевые слова и понятия: будущие перспективные учителя географии, профессиональная деятельность, подготовка к инновационной педагогической деятельности, педагогические условия, формы, методы и средства.

## **AMONOV X.N. IMPROVING THE LEVEL OF FUTURE GEOGRAPHY TEACHERS TRAINING FOR INNOVATIVE PEDAGOGICAL ACTIVITIES**

The article is focused on the problem and solution of pedagogical conditions, content, form, methods and tools for improving the level of future geography teachers for innovative pedagogical activities. That requires the development of scientific and methodological bases for improving the effectiveness of the methodological analysis process for the creation of an innovative environment in the teaching of courses, which will be the basis for pedagogical, psychological, scientific and methodological training of future geography teachers.

Key words and concepts: future prospective geography teachers, professional activity, preparation for innovative pedagogical activity, pedagogical conditions, form, method and means.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш вазифаси белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Бугунги кунда олий педагогик таълим тизими кадрлар тайёрлаш миллий моделининг энг муҳим бўғини сифатида ислоҳ этилаётганлиги бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг илмий жиҳатдан тадқиқ этишнинг нафақат имкониятларини яратди, айти пайтда, буни назарий ҳамда амалий долзарб вазифага айлантирди.

**Мавзунинг долзарблиги.** Таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ўқитувчилардан муайян тайёргарлик кўриш, инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш заруратини келтириб чиқаради. Ушбу зарурат педагогик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни, хусусан, бўлажак география ўқитувчиларининг педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлигига асос бўладиган ўқув курсларини ўқитишда инновацион муҳитнинг яратилишини методик нуқтаи назардан таҳлил этиш, ижтимоий-педагогик, дидактик шарт-шароитларини яратиш мазкур жараённинг самарадорлигини орттиришнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Педагогик кадрларни, хусусан, фан ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашда уларнинг илмий-методик тайёргарлигини шакллантириш жараёнига инновацион технологияларни татбиқ этиш мазкур жараённинг самарадорлигини орттиришга асос бўлади<sup>2</sup>.

Шунингдек, бўлажак география ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини шак-

ллантиришда инновацион технологияларидан фойдаланиш орқали таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини орттириш пировардида уларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш устувор мақсад қилиб белгилашни талаб этади. Инновацион технологиялар шароитида бўлажак география ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини шакллантиришда касбий-педагогик тайёргарликнинг таркибий қисмлари бўлган илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлик, шунингдек шахс сифатида ривожланиши билан узвийлик ва алоқадорлик назарда тутиш лозим.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларининг фаолиятига қўйилаётган ижтимоий бунортма ҳамда талаблар асосида таълим мазмунининг янгиланганлиги бўлажак география ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш ҳамда методик асосини ишлаб чиқиш тадқиқ этилаётган муаммонинг долзарблигини белгилайди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Психологик-педагогик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, касбий ривожланишнинг илмий-методик асослари ҳамда уларни мутахассисликка тайёрлаш масалалари О.А.Абдулина, Ю.К.Бабанский, С.Я.Батышев, В.П.Беспалько, А.И.Щербакова, Н.В.Кузмина, А.К.Маркова, Ф.Н.Гоноболин, Н.А.Муслимов, Ж.О.Толипова, Н.С.Сайидахмедов, Ж.Ф.Иўлдошев, М.Очилов, Ф.Р.Юзликаев, А.Р.Ходжабоев, М.Тожиев, Қ.Абдуллаева ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Н.А.Муслимов, Ў.Қ.Толипов, У.Нишоналиев, Ш.С.Шариповлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда меҳнат ва касб таълими ўқитувчилари касбий тайёргарлиги сифати, унинг асосий омиллари сифатида ўқитувчининг маънавий, услубий ва касбий фаолиятга мослашишга кенг эътибор бериш зарурлиги атрофлича таҳлил қилинган.

Р.А.Мавлонова, О.Мусурмонова, Ф.Р. Юзликаевларнинг тадқиқот ишларида ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятга мослашишини такомиллаштириш масалалари ўз аксини топган.

Ж.О.Толипова томонидан биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш масалалари<sup>3</sup>. Ж.Ф.Иўлдошев

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. Халқ сўзи газетаси 09.10.2019 й.

<sup>2</sup> Толипова Ж. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2006, 280 б.

<sup>3</sup> Толипова Ж. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2006, 280 б.

малака ошириш тизимида ўқитувчи касбий тайёргарлигини ривожлантириш масалаларини, Д.Х.Насриддинова олий педагогик таълим тизимида бўлғуси ўқитувчи-бакалаврларни тайёрлаш жараёнини инсонпарварлаштириш масаласини, А.М.Машкуров Педагогика олий ўқув юртлари таълими жараёнида математика ўқитувчисининг касбий сифатларини шакллантириш масаласини, Ш.Н.Мажитова касбий тайёрлаш жараёнида бўлғуси ўқитувчилар шахсини ривожлантиришнинг педагогик асосларини, Р.Х.Джураев меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини, Ў.Қ.Толипов бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларида умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларини ривожлантириш муаммоларини, Н.А.Муслимов касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари<sup>1</sup>ни ўрганганлар.

Касбий тайёргарликнинг психологик мазмун моҳияти, касбий шаклланишнинг психологик асослари, педагог касбининг профессионаграммаси, касб танлаш мотивларининг ўзига хослиги масалалари М.Г.Давлетшин, Э.Ф.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, Р.Гайнуддинов, Д.А.Арзиқулова, Р.З.Асамова, А.М.Машкуров хорижлик олимлардан эса А.Н.Леонтьев, Л.С. Виготский, Р.С.Немов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Таълим муассасаларида инновацион таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида: Б.А.Абдуллаев, Л.Н.Ващенко, О.В.Иншаков, Е.Лебедева, С.Исамитдинов, Н.Н.Шанина каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Педагогика соҳасида инновацион модел ва методларни қўллаш ишларига: О.М.Железнякова, М.В.Кларин, К.Б. Колбаев, А.М.Столяренко, Д.С.Туляганова, В.А.Сластенин, Ж.О.Толипова ва бошқа олимлар ўз ҳиссаларини қўшган.

Таълим тизимида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш масалалари бўйича: В.Беспалько, Г.Селевко, В.Сафин, Ж.Ф.Йўлдошев, Н.Н.Азизхўжаева, О.Х.Тўрақулов, А.Абдуқодиров, Қ.Р.Ишматов, Н.Х.Авлияқулов, Р.Ишмухамедов, Н.В.Борисова, В.М.Монахов, Н.С.Саидахмедов, В.А.Пятина, С.Д.Поляков, Х.И.Исаев, А.Мавлянов, Н.Болтаев, Ш.М.Кадыров каби методист-олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари З.М.Тимофеева, Т.К.Щербакова, С.Н.Поздняк, Е.Г.Вегнер, В.Л.Погодина ва Е.А.Таможнялар томонидан бўлажак география ўқитувчисини касбий шакллантириш, илмий-методик тайёргарлигини орттириш муаммосининг назарий асослари ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Муаммога доир тадқиқот ишлари ва дидактик адабиётлар таҳлили, педагог-психологлар томонидан таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, педагогик кадрларнинг касбий тайёргарлигини таркиб топтириш ва орттириш муаммоларига бағишланган бир қатор тадқиқот ишлар амалга оширилган бўлса-да, бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммоси ҳанузгача илмий-назарий жиҳатдан мажмуали ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари, мазмуни, шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

**Илмий муаммо қўйилиши.** Бугунги кунда олий педагогик таълим тизими узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим бўғини сифатида ислоҳ этилаётганлиги бўлажак география ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг самарали ечимини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бўлажак география ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш деганда, унинг илмий, назарий, психологик, педагогик, илмий-методик тайёргарлиги, сиёсий ва маънавий-ахлоқий етуклик даражаси яхлит ҳолда тушунилади. Ўқитиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий шarti эса кўп жиҳатдан таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг билим даражаси, илмий дунёқарашининг шаклланилиги ҳамда касбига хос кўникма ва малакаларни таркиб топганлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан олганда бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Таълимни модернизациялашда олий таълим тизимининг мақсад ва вазифалари, касбий йўналтирилганлигини назарда тутган ҳолда замонавий илмий-педагогик кадрларни шакллантиришда Давлат таълим стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берувчи юксак малакали, етук рақобатбардош педагог мутахассис сифатида бўлажак география ўқитувчисини касбий

<sup>1</sup> Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2007, 24-26 бетлар.

шакллантириш муаммосининг мустақил, яхлит тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилиши мазкур масаланинг долзарб педагогик муаммо сифатида кенг кўламли ва чуқур тадқиқ этилишини тақозо этади.

Шу мақсадда, ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларни аниқлаш, улардан методик тизим сифатида муваффақиятли фойдаланиш орқали бўлажак география ўқитувчисини касбий шаклланишига эришилади.

**Тадқиқотнинг объекти.** Бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети.** Бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни, воситалари, методлари ва шакллари.

**Асосий қисм.** Таълимни модернизациялашда олий таълим тизимининг мақсад ва вазифалари, касбий йўналтирилганлигини назарда тутган ҳолда замонавий илмий-педагогик кадрларни шакллантиришда Давлат таълим стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берувчи юксак малакали, етук рақобатбардош педагог мутахассис сифатида бўлажак география ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммосининг мустақил, яхлит тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилиши мазкур масаланинг долзарб педагогик муаммо сифатида кенг кўламли ва чуқур тадқиқ этилишини тақозо этади.

Шу мақсадда, ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини аниқлаш, улардан методик тизим сифатида муваффақиятли фойдаланиш орқали бўлажак география ўқитувчисини касбий шаклланишига эришилади.

Илмий тадқиқотларни ўрганиш натижасида бўлажак география ўқитувчиларини методик тайёргарлигини шакллантириш борасида илмий аҳамиятга эга бўлган қарашлар мавжуд бўлсада, бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар сифатида:

– олий таълим тизимида бўлажак география ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини орттириш концепциясининг яратилмаганлиги, касбий шакллантириш тамойиллари, воситалари, босқичлари, технологиялари ва механизмлари етарлича тадқиқ қилинмаганлиги;

– бўлажак география ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини орттиришнинг асосий йўналишлари, ўқитиш қонуниятлари ва тамойилларини аниқлаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида замо-

навий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг методик асосларини етарлича ишлаб чиқилмаганлиги;

– бўлажак география ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини орттиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқилмаганлиги, психологик-педагогик шароитларини аниқлашни ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ишининг бажарилган тадқиқотлардан фарқланиб туришини кўрсатади.

Тадқиқот давомида бўлажак география ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини орттириш тизими ишлаб чиқилди, уни амалга оширишнинг педагогик, дидактик, методик шарт-шароитлари мазмуни, восита ва шакллари аниқланди. Шунингдек, география ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини орттиришнинг таркибий қисмлари, даражалари, кўрсаткичлари, уларга таъсир кўрсатадиган омиллар аниқланди ва улар назарий-методик жиҳатдан асосланди.

Тадқиқот давомида бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1) бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг тарихий хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

2) бўлажак география ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг муаммоларининг ҳозирги ҳолати ва асосий йўналишларини аниқлаш;

3) бўлажак география ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг концептуал моделини яратиш ва амалга ошириш;

4) бўлажак география ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг услубий воситаларни аниқлаш;

5) бўлажак география ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимининг самарадорлигини синаш учун зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқиш;

6) бўлажак география ўқитувчисини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимининг самарадорлигини тажриба-синов орқали тасдиқлаш назарда тутилди.

Жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, фан-техника тараққиёти ва ахборотлар глобаллашуви педагог кадрларни тайёрлаш ишига янгидан-янги талабларни қўймоқда. Бугунги кунда педагог кадрларни тайёрлашга доир айрим жиддий муам-



молар кўзга ташланмоқда. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқув-касбий соҳада: яхлит таълим жараёнида ўқитувчининг ижтимоий мавқеи ва ролининг назарий ҳамда амалий жиҳатдан етарлича кўрсатилмаслиги; педагогика олий таълим муассасалари талабаларида касбий масъулият, ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасига кириб бориш учун зарур психологик-коммуникатив сифатлар, ижтимоий хулқ-атвор ва мулоқот кўникмаларини шакллантиришга етарлича эътибор берилмаслиги;

- педагогик фаолият соҳасида: педагогик фаолиятнинг ижтимоийлашув доирасини кенгайтириш имкониятларининг чекланганлиги; ота-оналар, маҳалла қўмиталари, ижтимоий ташкилотлар, маданий муассасалар, матбуот вакиллари билан алоқаларнинг етарли эмаслиги<sup>1</sup>.

Қайд этилган муаммолар ечимини ишлаб чиқишда таълим мазмуни, ўқитиш методлари ҳамда инновацион педагогик технологиялар катта имкониятларни ўзида мужассамлаштиради.

Олий таълим муассасасида бўлажак география ўқитувчиларини тайёрлаш тизими, мутахассисларни касбий тайёргарлигига қўйилаётган талаблар ва бўлажак ўқитувчини инновацион педагогик фаолиятга тайёргарлиги орасида қуйидаги зиддиятлар мавжудлигини кўрсатади<sup>2</sup>:

- олий таълим муассасасида бўлажак география ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни билан, унинг таълим амалиётига мос бўлишини таъминлашга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги;

- бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашда талабалар томонидан таълим тамойиллари, мазмуни, методи ва замонавий воситаларини мустақил танлашлари учун зарур шарт-шароит яратилмаганлиги ҳамда ўқув амалиёт давомида билим, малака ва кўникмалардан етарли даражада фойдалана олмаётганлиги;

- олий таълим муассасасида ўқитувчиларни тайёрлашнинг амалда фаолият кўрсатаётган тизими билан турли таълим муассасалари фаолиятга қўйилаётган ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий талабларнинг ўзгариши;

- замонавий таълим муассасалари ва жамиятнинг юксак малакали, етук ва рақобатбардош ўқитувчиларга бўлган талаби ва мазкур талабларнинг география ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёрлиги мазмуни, шакл, метод ва воситаларида етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги.

Юксак малакали педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари<sup>3</sup>:

- янги авлод дарсликлари, ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, инновацион технологиялар асосида электрон таълим ресурсларини яратиш ишларини янада ривожлантириш;

- таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш ишларини изчил давом эттириш;

- олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаб бориш;

- бўлажак педагогик кадрларнинг интеллектуал, профессионал ва маънавий-ахлоқий сифатларини уйғунликда ривожлантириш бўйича тадбирларни мақсадли ташкил этиш;

- узлуксиз таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш орасидаги ўзаро мустаҳкам интеграцияни йўлга қўйиш.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўқитувчининг касбий-педагогик тайёргарлиги унинг илмий-назарий, психологик-педагогик, илмий-методик тайёргарлиги, ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий етуклиги мажмуаси тушунилади. Касбий-педагогик тайёргарликнинг таркибий қисмлари бир-бирини тўлдиради, тақозо этади ва ўзаро узвий равишда шаклланади, ўқитувчининг мазкур таркибий қисмлар бўйича эгаллаган билим, малака ва кўникмалари педагогик фаолиятда методик даражада қўлланилади. Шу боис, ўқитувчининг илмий-методик тайёргарлиги касбий-педагогик тайёргарликнинг таркибий қисмлари ичида етакчи ўринни эгаллайди.

Бу еса ўз навбатида бўлажак география ўқитувчисининг илмий-назарий, психологик-педагогик, илмий-методик тайёргарлигини инновацион фаолиятга йўналтириш, уни педагогик янгиликларни қабул қилиш, баҳолаш ва таълим мақсадларига эришиш йўлида янгиликларни тўғри ва самарали қўллаш оладиган ижодкор шахс сифатида шакллантириш талабини келтириб чиқарди.

<sup>1</sup> Иноятлов У. Замонавий шароитда педагог кадрлар тайёрлаш: муаммо ва вазифалар. – Т. : “Педагогик таълим” журнали, 2012 йил. (2-сон), 17-6.

<sup>2</sup> Амонов Х. Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари. – “Педагогик маҳорат” журнали. Бухоро 2020 4-сон. 186-187.

<sup>3</sup> Иноятлов У. Замонавий шароитда педагог кадрлар тайёрлаш: муаммо ва вазифалар. – Т. : “Педагогик таълим” журнали, 2012 йил. (2-сон), 20-6.

Педагогик кадрларни, хусусан, фан ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашда уларнинг илмий-методик тайёргарлигини шакллантириш жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш мазкур жараённинг самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайди.

Жумладан, география ўқитиш методикаси курси маъруза ва лаборатория машғулотларида инновацион технологиялардан фойдаланиш, лаборатория машғулотларида талабалар томонидан бажариладиган ўқув топшириқларини берилиши, мустақил таълимда талабаларнинг билим ва кўникмаларининг ижодий қўлланишига имкон яратилиши бўлажак география ўқитувчиларида методик тайёргарликни шакллантириш ва мазкур тайёргарликни орттириш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитнинг вужудга келишига замин тайёрлайди.

Педагогика олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни қўллаш қуйидаги дидактик мақсадларни кўзда тутуди<sup>1</sup>:

– таълим-тарбия жараёнини шахсга йўналтириш, унинг Давлат таълим стандарти билан белгиланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш самарадорлигини орттириш;

– педагогик кадрларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини, методик тайёргарлигини орттириш, уларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш;

– бўлажак ўқитувчиларни инновацион технологияларга асосланган машғулотларда фаол иштирок этишини таъминлаш ва уларни таълим-тарбия жараёни субъектига айлантириш орқали инновацион технологиялардан фойдаланиш учун зарур методик билим, кўникма ва малакаларни эгаллашига замин яратиш.

Инновацион технологиянинг асосий моҳияти таълимда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишдир. Таълимда берилаётган билимларни талабаларнинг аксарият кўпчилик қисми пухта ўзлаштириши педагогик технологияни жорий этишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Юқорида келтирилган вазибаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Бу жараён ўз навбатида географиянинг ижтимоий нуфузини ошириб, кадрлар

тайёрлашнинг миллий моделини яратишга хизмат қилади.

Ушбу вазибалар узлуксиз географик таълимга ҳам бевосита дахлдор бўлиб, уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, мазкур жараёнга нисбатан тизимли, мажмуавий ёндашувни тақозо этади. Шу боис географик фанлар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, назария ва амалиёт бирлиги, назарий билим, шунингдек амалий кўникма ва малакаларнинг динамикасини инобатга олиш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан унумли ва ўринли фойдаланишга эътиборнинг қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу жараён бевосита география ўқитувчиларининг илмий, назарий, психологик, педагогик, илмий-методик тайёргарлиги, ғоявий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий етуклик даражасига бевосита боғлиқдир.

Шунингдек, узлуксиз таълим тизимида география ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлиги таҳлили натижасида соҳада ечимини кутаётган қуйидаги **вазибалар** тадқиқот давомида аниқланди:

1) узлуксиз географик таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш орасидаги ўзаро мустаҳкам интеграцияни йўлга қўйиш;

2) таълим-тарбия мазмуни, шакл, метод ва воситаларини танлаб олишда табақалаштирилган ёндашувга алоҳида эътибор қаратиш;

3) бўлажак география ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлигини давлат таълим стандартлари талаблари асосида тадқиқ этиш орқали уларда амалий касбий билим ҳамда кўникмаларни шакллантиришнинг мавжуд тизими орасидаги мавжуд номутаносибликлар ечимини топишдан иборат.

Юқорида қайд этилган вазибаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, бўлажак география ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлиги даражасига бевосита боғлиқдир.

Бўлажак география ўқитувчисини касбий шакллантириш муаммосининг мустақил, яхлит тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилиши мазкур масаланинг долзарб педагогик муаммо сифатида кенг кўламли ва чуқур тадқиқ этилишини тақозо этади.

Шу мақсадда, ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларни аниқлаш, улардан методик тизим сифатида муваффақиятли фойдаланиш орқали бўлажак география ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашга эришилади.

<sup>1</sup> Толипова Ж.О. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар. Дарслик. - Тошкент: "Чўлпон", 2011. 114 б.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 08 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
2. Толипова Ж. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2006, 280 б.
3. Толипова Ж.О. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар. Дарслик. - Тошкент: “Чўлпон”, 2011. 114 б.
4. Иноятлов У. Замонавий шароитда педагог кадрлар тайёрлаш: муаммо ва вазифалар. – Т. : “Педагогик таълим” журналы, 2012 йил. (2-сон), 16-21-бетлар.
5. Амонов Х. Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари. “Педагогик маҳорат” журналы. Бухоро 2020 4-сон.
6. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2007, 327 бет.